

**ТОШКЕНТ ДАВЛАТ ТЕХНИКА УНИВЕРСИТЕТИ,
ЎЗБЕКСТОН МИЛЛИЙ УНИВЕРСИТЕТИ ҲУЗУРИДАГИ
ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ DSc.28.02.2018.FM/T.03.05
РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ**

ТОШКЕНТ ДАВЛАТ ТЕХНИКА УНИВЕРСИТЕТИ

ИСАМОВ СОБИРЖОН БОЛТАЕВИЧ

**КЎП ЗАРЯДЛИ НАНОКЛАСТЕРЛАРГА ЭГА БЎЛГАН
КРЕМНИЙДА ФОТОЭЛЕКТРИК ҲОДИСАЛАРНИНГ ЎЗИГА ХОС
ЖИҲАТЛАРИ**

01.04.10 – Яримўтказгичлар физикаси

**ФИЗИКА-МАТЕМАТИКА ФАНЛАРИ БЎЙИЧА ФАЛСАФА ДОКТОРИ (PhD)
ДИССЕРТАЦИЯСИ АВТОРЕФЕРАТИ**

ТОШКЕНТ–2018

**Физика-математика фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD)
диссертацияси автореферати мундарижаси**

**Оглавление автореферата диссертации
доктора философии (PhD) по физико-математическим наукам**

**Contents of dissertation abstract of doctor of philosophy (PhD) of
physical-mathematical sciences**

Исамов Собиржон Болтаевич

Кўп зарядли нанокластерларга эга бўлган кремнийда фотоэлектрик
ҳодисаларнинг ўзига хос жиҳатлари 3

Исамов Собиржон Болтаевич

Особенности фотоэлектрических явлений в кремнии с
многозарядными нанокластерами 21

Isamov Sobirjon Boltayevich

Particularities of photoelectric phenomena in silicon with multiple
charged nanoclusters 39

Эълон қилинган ишлар рўйхати

Список опубликованных работ
List of published works 43

**ТОШКЕНТ ДАВЛАТ ТЕХНИКА УНИВЕРСИТЕТИ,
ЎЗБЕКСТОН МИЛЛИЙ УНИВЕРСИТЕТИ ҲУЗУРИДАГИ
ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ DSc.28.02.2018.FM/T.03.05
РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ**

ТОШКЕНТ ДАВЛАТ ТЕХНИКА УНИВЕРСИТЕТИ

ИСАМОВ СОБИРЖОН БОЛТАЕВИЧ

**КЎП ЗАРЯДЛИ НАНОКЛАСТЕРЛАРГА ЭГА БЎЛГАН
КРЕМНИЙДА ФОТОЭЛЕКТРИК ҲОДИСАЛАРНИНГ ЎЗИГА ХОС
ЖИҲАТЛАРИ**

01.04.10 – Яримўтказгичлар физикаси

**ФИЗИКА-МАТЕМАТИКА ФАНЛАРИ БЎЙИЧА ФАЛСАФА ДОКТОРИ (PhD)
ДИССЕРТАЦИЯСИ АВТОРЕФЕРАТИ**

ТОШКЕНТ–2018

Физика-математика фанлари бўйича фалсафа доктори (DhD) диссертацияси мавзуси Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Олий аттестация комиссиясида B2017.2.PhD/FM81 рақам билан рўйхатга олинган.

Диссертация Ислон Каримов номидаги Тошкент давлат техника университетида бажарилган.

Диссертация автореферати уч тилда (ўзбек, рус, инглиз (резюме)) Илмий кенгаш веб-саҳифасида (tdtu.uz) ва «ZiyoNet» ахборот-таълим порталида (www.ziyo.net.uz) жойлаштирилган.

Илмий раҳбар: **Баходирхонов Муҳаммад Кабир**
физика-математика фанлари доктори, профессор, академик

Расмий оппонентлар: **Расулов Рустам Явкочович**
физика-математика фанлари доктори, профессор

Арипов Хайрулла Кабулович
физика-математика фанлари доктори, профессор

Етакчи ташкилот: **«Физика-Қуёш» илмий ишлаб чиқариш бирлашмаси**

Диссертация ҳимояси Тошкент давлат техника университети, Ўзбекистон миллий университети ҳузуридаги DSc.28.02.2018.FM./T.03.05 рақамли Илмий кенгашнинг 2018 йил «___» _____ соат ___ даги мажлисида бўлиб ўтади. (Манзил: 100095, Тошкент шаҳри, Университет кўчаси, 2-уй. Тел. (99871) 246-46-00, факс (99871) 227-10-32; e-mail: tstu_info@edu.uz, ТДТУ «Электроника ва автоматика» факультети 232-хона).

Диссертация билан Тошкент давлат техника университетининг Ахборот-ресурс марказида танишиш мумкин (___ рақам билан рўйхатга олинган). Манзил: 100095, Тошкент шаҳри, Университет кўчаси, 2-уй. Тел. (99871) 246-03-41.

Диссертация автореферати 2018 йил « __ » _____ да тарқатилди.
(2018 йил « ___ » _____ даги _____ рақамли реестр баённомаси).

А.Т.Мамадолимов
Илмий даражалар берувчи Илмий кенгаш раиси
ўринбосари ф.-м.ф.д., профессор, академик

Б.Э.Эгамбердиев
Илмий даражалар берувчи Илмий кенгаш
илмий котиби ф.-м.ф.д., профессор

Н.Ф.Зикриллаев
Илмий даражалар берувчи Илмий кенгаш
қошидаги илмий семинар раиси ф.-м.ф.д.,
профессор

КИРИШ (фалсафа доктори (PhD) диссертацияси аннотацияси)

Диссертация мавзусининг долзарблиги ва зарурати. Жаҳонда бугунги кунда жадал ривожланаётган яримўтказгичлар физикаси соҳасида долзарб йўналишлардан бири кремний кристалл панжарасида ҳажмий наноўлчамли кластерларни ҳосил қилиб, унинг фундаментал параметрларини ўзгартирган ҳолда янги материаллар олишга алоҳида эътибор қаратилмоқда. Шу жумладан, кўп каррали зарядланган нанокластерларни кремний кристалли ҳажмида шакллантириш ва унинг истиқболли функционал имкониятларини очишга ҳамда бу материални микроэлектроникада ва материалшунослиқда ва бошқа соҳаларда ишлатишга қаратилган тадқиқотларни олиб бориш муҳим вазифалардан бири бўлиб ҳисобланади.

Бугунги кунда дунёда кремнийнинг фотоэлектрик ва фундаментал хоссаларини тубдан ўзгаришига олиб келувчи зарядлар қиймати учдан юқори бўлган нанокластерларни ҳосил қилишга катта эътибор қаратилмоқда. Бу борада, мақсадли илмий изланишларни қуйидаги йўналишларда олиб бориш муҳим вазифалардан ҳисобланади: кремний кристалл панжарасида кўп каррали зарядланган нанокластерларни ҳосил қилиш; кремнийда зарядлар кўчиш жараёнига кўп каррали зарядланган нанокластерларнинг таъсирини аниқлаш; кремнийнинг фотоэлектрик ва фундаментал хоссаларини, унда марганец атомларининг кўп зарядли нанокластерларини ҳосил қилиш билан бошқариш; кўп каррали зарядланган нанокластерлари мавжуд кремний асосида янги турдаги яримўтказгич асбоблар ишлаб чиқиш имкониятларини кўрсатиб бериш.

Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантиришнинг Ҳаракатлар стратегиясида белгиланган вазифаларни амалга оширишда илмий ва инновация ютуқларини амалиётга кенг жорий этишнинг самарали механизмларини яратиш масалаларига алоҳида эътибор қаратилмоқда¹. Фаол тадбиркорлик, инновацион ғоялар ва технологияларни қўллаб қувватлаш йилида олинган илмий натижаларни ҳозирги замон талабларига жавоб берадиган даражага олиб чиқиш алоҳида эътиборга сазовор. Жумладан, микроэлектроника ва яримўтказгичли асбоблар учун асосий материал ҳисобланган кремнийнинг кристалл панжарасида нанокластерлар ҳосил қилиб, унинг асосида янги турдаги материаллар олиш технологиясини ривожлантириш масалалари муҳим вазифалардан бири ҳисобланади. Бу борада, нанокластерли кремнийнинг янги хоссаларини кашф қилиш ва унинг хусусиятлари асосида тубдан янги бўлган фотоқабулқилгичлар ва «фотонлар санагичи» туридаги яримўтказгич асбобларни яратиш муҳим аҳамиятга эга.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 7 февридаги «Ўзбекистон республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегияси тўғрисида»ги ПФ–4947-сон Фармони, 2017 йил 13 февралдаги

¹ Ўзбекистон Республикаси Президентининг Фармони. Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегияси тўғрисида /Расмий нашр/. Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги. – Тошкент: «Адолат», 2017. Б. 26.

ПҚ–2772-сон «2017–2021 йилларда электротехника саноатини ривожлантиришнинг устувор йўналишлари тўғрисида»ги ҳамда 2017 йил 17 февралдаги ПҚ–2789-сон «Фанлар академиясининг фаолиятини, илмий тадқиқот ишларини ташкил этиш, бошқариш ва молиялаштиришни янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги Қарорлари ва мазкур фаолиятга тегишли бошқа меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатларда белгиланган вазифаларни амалга оширишга ушбу диссертация тадқиқоти муайян даражада хизмат қилади.

Тадқиқотнинг республика фан ва технологиялари ривожланишининг устувор йўналишларига мослиги. Диссертация иши республика фан ва технологиялар ривожланишининг III. «Энергетика, энергия ресурс тежамкорлиги, транспорт, машина ва асбобсозлик» устувор йўналишига мувофиқ бажарилган.

Муаммонинг ўрганилганлик даражаси. Таниқли олимлардан Ж.И.Альферов (Россия) яримўтказгичли гетероструктураларни, Исаму Акасаки (Япония), Хироси Аmano (Япония) ва Сюдзи Накамурелар (США) кўк ёруғлик диодларини яратишганликлари учун Нобель мукофоти билан тақдирланишган. Яримўтказгичларнинг фотоэлектрик параметрлари асосан турли хил киришма атомларини кристалл панжарага киритиш билан бошқарилади. Бундай технологиялар ва улар асосида олинган фотосезгир материалларнинг хусусиятлари назарий ва амалий жиҳатдан С.М.Рывкин, А.Роуз, Р.Бьюп, С.Г.Калашников сингари таниқли олимлар томонидан яхши ўрганилган. Улар томонидан фотоўтказувчанликнинг назарияси нафақат фотоўтказувчанлик механизми ва кинетикаси асосида тушунтириб берилмасдан, балки янги манфий фотоўтказувчанлик, қолдиқ фотоўтказувчанлик, фотоўтказувчанлик релаксациясини узоқ вақт давом этиши, фотосезгирлик эффекти, фотоўтказувчанликнинг инфрақизил нур ва ҳарорат таъсирида сўниши, люкс-ампер тавсифнинг суперчизиқлилиги каби фотоэлектрик ҳодисалар кузатилган ва рўй бериш механизмлари назарий асослаб берилган.

Ҳозирги вақтда Ўзбекистон олимларидан академик А.Т.Мамадалимов ва унинг шогирдлари томонидан кремнийга чуқур сатҳ ҳосил қилувчи киришма атомларини киритиш билан фототокнинг инфрақизил нурлар, ҳарорат ва электр майдон таъсирида сўниш ҳодисалари аниқланган ва олинган натижалар илмий асослаб берилган. Шу билан бирга, Р.А.Муминов илмий мактабида литей билан легирланган кремний асосида ядро нурланиш детекторлари яратилган. Н.Юлдашев ва унинг шогирдлари томонидан бирикмали яримўтказгич материалларда люминисценция ҳодисаси аниқланган.

Сирт қисмида наноўлчамли структураларга эга бўлган яримўтказгичларда заряд ташувчиларнинг кўчиши билан боғлиқ физик ҳодисаларнинг таҳлилига бағишланган тажриба ва назарий тадқиқотлар бу соҳанинг имкониятлари янада кенглигини кўрсатмоқда. Бироқ шу даврга қадар кристалл панжарасида учдан ортиқ зарядли нанокластерлари мавжуд бўлган кремнийнинг электрофизик ва фотоэлектрик хоссалари ўрганилмаган.

Тадқиқотнинг диссертация бажарилган олий таълим муассасасидаги илмий-тадқиқот ишлари режалари билан боғлиқлиги.

Диссертация иши Тошкент давлат техника университети «Рақамли электроника ва микроэлектроника» кафедраси илмий тадқиқот режасига мос бўлиб, МТ-83/2013 рақамли «Нановаризон структурали кремний асо-сида спектрал сезиш соҳаси кенг бўлган (0,1÷3 мкм) янги турдаги фотоэлементларни ишлаб чиқиш ва тайёрлаш» (2014–2015 йй.) номли Ўзбекистон-Туркманистон халқаро илмий-тадқиқот лойиҳаси, Ф2-44 рақамли «Ярим-ўтказгичларда киришма атомларининг ўз-ўзини ташкиллаштириш механизмини ва уларнинг параметрларини бошқаришни тадқиқ қилиш» (2012–2016 йй.), ОТ-Ф2-55 «Янги функционал имкониятларга эга наноматериалларнинг янги синфи сифатидаги киришма атомларининг нанокластерларини шаклланиши негизда ҳажмий структуралашган кремний олишининг илмий асосларини ишлаб чиқиш» (2017–2020 йй.) мавзусидаги фундаментал лойиҳалар доирасида бажарилган.

Тадқиқотнинг мақсади кремний кристалл панжарасида ҳосил қилинган заряди учдан катта бўлган нанокластерларни материалнинг фото-электрик ва фундаментал хоссаларига таъсирларини аниқлашдан иборат.

Тадқиқотнинг вазифалари:

кремнийда нанокластерларнинг зарядланиш қарралигини бошқариш имконини берувчи диффузион легирлашнинг термодинамик шароитларининг оптимал параметрларини аниқлаш;

кўп қаррали зарядланган нанокластерлар мавжуд кремнийда ток ташувчилар кўчишининг ўзига хос жиҳатларидан зарядларнинг ҳаракатчанлиги ҳамда ўтказувчанлигининг ҳароратга боғлиқлигини аниқлаш;

кўп қаррали зарядланган нанокластерлар мавжуд кремнийнинг фото-электрик хоссаларини тадқиқ қилиш;

ҳажмида кўп қаррали зарядланган нанокластерлар мавжуд кремнийнинг энергетик соҳа моделини яратиш.

Тадқиқотнинг объекти сифатида ҳажмида марганец атомларининг кўп қаррали зарядланган нанокластерлари мавжуд монокристалл кремний олинган.

Тадқиқотнинг предмети зарядланганлик қиймати учдан катта бўлган марганец атомлари нанокластерларини кремнийнинг электрик ва фотоэлектрик хоссаларига ўзига хос таъсиридан иборат.

Тадқиқотнинг усуллари. Ишни бажаришда ва қўйилган масалани ўрганишда атом кучли микроскопи, электрон парамагнит резонанс спектрометрияси, рентгенструктурали таҳлил каби замонавий усуллардан фойдаланилди. Намуналарнинг асосий электрофизик катталиклари Холл эффекти усули ёрдамида аниқланди. Заряд ташувчиларнинг яшаш вақти «фотоўтказувчанликнинг модуляцияланган ёруғлик оқимини частотасига боғлиқлиги» усулидан фойдаланиб аниқланди. Намуналарнинг фотоэлектрик хоссаларини тадқиқ этишда ҳароратни суяқ азот ҳароратидан (77 К) хона ҳароратигача бошқариш имконини берадиган

махсус криостат билан жиҳозланган ИКС-21 русумли спектрометрдан фойдаланилган.

Тадқиқотнинг илмий янгилиги қуйидагилардан иборат:

диффузион легирлаш ёрдамида зарядланиш карралигини учдан катта бўлган нанокластерли кремний олиш имконини берувчи технологиянинг термодинамик шароитлари аниқланган;

нанокластерлар зарядининг қийматини ёруғлик таъсирида камайиши ва электр майдон таъсирида заряд ташувчиларнинг кўп каррали зарядланган марказларда сочилишини сусайиши сабабли ўрганилаётган намуналарда заряд ташувчиларнинг ҳаракатчанлиги ёритилганлик интенсивлиги таъсирида 3÷5 мартага ва электр майдон кучланганлиги таъсирида 2,5 мартагача ошиши аниқланган;

кўп каррали зарядланган нанокластерлар атрофида электронларнинг энергетик ҳолатларини қайта тақсимланиши туфайли нанокластерли кремний 100 К ҳароратда 10 микрометрли инфрақизил нурланишни қайд эта олиши аниқланган;

кўп каррали зарядланган кластер атрофида кучли электр майдон ҳосил бўлиши ҳисобига Франц-Келдыш назариясига асосан кремнийнинг локал соҳаларида ўзгарувчан зонали структура пайдо бўлиши туфайли 0,12÷0,75 эВ спеткр оралиғида катта фотосезгирлик аниқланган;

кўпзарядли нанокластерлар орасидаги потенциал чуқурликда жойлашган ковакларнинг энергетик сатҳларига электронларни туннелланиши натижасида намуналарни қўшимча оқ ёруғлик фонисиз инфрақизил нур билан ёритилганда фотоўтказувчанликнинг максимум камайиши кузатиладиган энергияни 0,43 эВ дан 0,55 эВ гача силжиши аниқланган;

потенциал чуқурликда жойлашган коваклар билан кластерлар ютиб олган электронлар орасида рекомбинация бўлмаслиги туфайли 0,15÷0,4 эВ спектрал ораликда релаксация вақти 10^3 с га тенг бўлган катта қийматдаги киришмали қолдиқ фотоўтказувчанлик аниқланган.

Тадқиқотнинг амалий натижалари қуйидагилардан иборат:

кремний кристалл панжарасида зарядлар карралиги учдан катта бўлган нанокластерларни ҳосил қилиш технологияси ишлаб чиқилган;

кўп каррали зарядга эга марганец атомларининг нанокластерлари таъсирида кремнийнинг спектрал сезгирлик соҳасини ошириш усули ишлаб чиқилган. Бу ўз навбатида кремний асосида инфрақизил нур спектрнинг $\lambda=10$ мкм соҳасигача сезувчи фотоприёмникларни ишлаб чиқишга имкон берган;

кўп каррали зарядга эга марганец атомларининг нанокластерлари таъсирида заряд ташувчилар релаксация вақтини ошиши ҳисобига «фотонлар санагичи» туркумидаги датчикларни яратиш имкони борлиги кўрсатилган.

Тадқиқот натижаларининг ишончлилиги бир бирига боғлиқ бўлмаган маълумотларни ўлчаш ва ишлов бериш усулларининг мажмуасидан фойдаланилганлиги, шунингдек, уларни яримўтказгичлар физикаси ва техникасини замонавий тушунчаларига мослиги билан таъминланган.

Тадқиқот натижаларининг илмий ва амалий аҳамияти.

Тадқиқот натижаларининг илмий аҳамияти кўп каррали зарядга эга марганец атомларининг нанокластерлари таъсирида кремнийда кузатиладиган фотоэлектрик ҳодисаларнинг ўзига хос жиҳатлари аниқланганлиги билан изоҳланади.

Тадқиқот натижаларининг амалий аҳамияти кўп каррали зарядга эга марганец атомларининг нанокластерларини кремний кристалл панжарасида ҳосил қилиш билан унинг асосида инфрақизил нурларни 10 мкм гача сезувчи фотоқабулқилгичлар, «фотонлар санагичи» каби асбобларни яратиш мумкинлиги билан изоҳланади.

Тадқиқот натижаларининг жорий қилиниши. Кремний кристалл панжарасида ҳосил қилинган заряди учдан катта бўлган нанокластерларни материалнинг фотоэлектрик ва фундаментал хоссаларига таъсирларини аниқлаш асосида:

марганец атомларининг кўп каррали зарядланган кластерлари мавжуд кремнийнинг электрофизик ва фотоэлектрик хоссаларини тадқиқ натижалари «FOTON» акциядорлик жамиятида яримўтказгичли асбоблар ишлаб чиқишда қўлланилган («Ўзэлтехсаноат» акциядорлик компаниясининг 2017 йил 6 октябрдаги 02-2073-сон маълумотномаси). Илмий натижаларнинг қўлланилиши детекторлар тайёрлаш технологиясини такомиллаштириш имконини берган;

кремнийнинг фотоўтказувчанлигини кўп каррали зарядланган нанокластерлар таъсирида бошқариш «Наноўзгарувчан соҳали кенг спектрал сезгирликка эга (0,1–3 мкм) янги фотоэлементларни тайёрлаш ва ишлаб чиқиш» (2012–2015) грант лойиҳада тажриба натижаларини қайта ишлашда қўлланилган (Туркменистон Фанлар академияси Куёш энергияси институтининг 2017 йил 9 ноябрдаги 161/170-сон маълумотномаси). Илмий натижалардан фойдаланиш наноструктурали Шоттки тўсиқларининг фотосезгирлигини ошириш имконини берган.

Тадқиқот натижаларининг апробацияси. Тадқиқот натижалари 6 та халқаро ва 8 та республика миқёсидаги илмий-амалий конференцияларда маъруза қилинган ва муҳокамадан ўтказилган.

Тадқиқот натижаларининг эълон қилиниши. Диссертация мавзуси бўйича жами 25 та илмий иш чоп этилган, булардан 1 та монография, Ўзбекистон Республикаси Олий аттестация комиссиясининг докторлик диссертациялари асосий илмий натижаларини чоп этишга тавсия этилган илмий нашрларда 10 та мақола нашр этилган.

Диссертациянинг тузилиши ва ҳажми. Диссертация таркиби кириш, бешта боб, хулоса, фойдаланилган адабиётлар рўйхати ва иловалардан иборат. Диссертациянинг ҳажми 120 бетни ташкил этади.

ДИССЕРТАЦИЯНИНГ АСОСИЙ МАЗМУНИ

Кириш қисмида ўтказилган тадқиқотларнинг долзарблиги ва зарурати асосланган, тадқиқотнинг мақсади ва вазифалари, объект ва предметлари тавсифланган, республика фан ва технологиялари ривожланишининг устувор йўналишларига мослиги кўрсатилган, тадқиқотнинг илмий янгилиги ҳамда амалий натижалари баён қилинган, олинган натижаларнинг илмий ва амалий аҳамияти очиқ берилган, тадқиқот натижаларини амалиётга жорий қилиш, нашр этилган ишлар ва диссертация тузилиши бўйича маълумотлар келтирилган.

Диссертациянинг **«Нанокластерли яримўтказгичларнинг оптик ва фотоэлектрик хоссаларининг таҳлили»** деб номланган биринчи бобида илмий адабиётларда келтирилган маълумотлар асосида квант ўлчамли структураларнинг яримўтказгичли материалларнинг фотоэлектрик хоссаларига таъсирини ўрганишдаги муаммолар таҳлил этилган.

Мавжуд назарий ва тажрибавий маълумотлар таҳлили асосида тадқиқотнинг вазифалари шакллантирилган.

Ишни бажаришда ва тадқиқот вазифаларида белгиланган асосий амалга оширилиши режалаштирилган илмий изланишлар қуйидагилардан иборат: нанокластерларнинг зарядланиш карралигини бошқариш имконини берувчи диффузион легирлашнинг термодинамик шароитларини ва тадқиқотлар учун зарур бўлган кремний материалининг оптимал параметрларини аниқлаш; кўп каррали зарядланган нанокластерлари мавжуд кремнийда зарядлар кўчишининг ўзига хос жиҳатларини ҳаракатчанлик ва ўтказувчанликнинг ҳароратга боғлиқлиги асосида тадқиқ қилиш; кўп каррали зарядланган нанокластерлар мавжуд кремнийда кузатиладиган фотоэлектрик ҳодисаларни тадқиқ қилиш ва унинг энергетик соҳа моделини яратиш.

Диссертациянинг **«Кремнийда кўп каррали зарядга эга нанокластерларни ҳосил қилишнинг диффузион технологияси ва уни тадқиқ этиш усуллари»** деб номланган иккинчи боби диффузион легирлашнинг технологик хусусиятларини ўрганишга, дастлабки кремний материалининг параметрларини танлашга ҳамда кремний кристали ҳажмида кўп каррали зарядланган нанокластерларни ҳосил қилиб, талаб этилган электрофизик параметрга эга кремний олишга бағишланган.

Намуналарнинг асосий электрофизик параметрлари Холл усули ёрдамида аниқланган. Олинган намуналарнинг фундаментал электрофизик параметрларини аниқлашда рентген структурали таҳлил, ЭПР спектрометр, ХИА-200 атом кучли микроскоп сингари замонавий усуллар ва қурилмалардан фойдаланилди.

Учинчи боб **«Марганец атомлари нанокластерлари ҳосил қилинган кремнийда зарядлар кўчишини тадқиқ этиш»**га бағишланиб, унда кремнийнинг электрофизик параметрларини марганец киришма атомлари кўп каррали зарядланган нанокластерлари таъсирида ўзгаришларини ўрганиш натижалари келтирилган.

Марганец атомлари кўп каррали зарядланган нанокластерларининг энергетик тавсифлари кремний намунасига қўйилган электр токи таъсирида заряд ташувчиларнинг ҳаракатчанлигининг камайиши марказларнинг ҳажмий заряди таъсирида тўсиб қолиниши эффекти орқали тушунтирилди. Намунага қўйиладиган электр майдон қийматини ўзгартириш билан фотосезгирликнинг спектрал сезгирлик соҳаси ва чегаравий сезгирлик қийматини бошқариш мумкинлиги кўрсатилган.

Фотоўтказувчанликнинг ҳароратга боғлиқлигини ўрганишда олинган натижалар паст ҳароратларда тадқиқ этилаётган намуналарда $E_1=E_V+0,2$ эВ, $E_2=E_V+0,15$ эВ, $E_3=E_V+0,17$ эВ, ва $E_4=E_V+0,22$ эВ ионлашиш энергиялари мавжудлигини кўрсатди.

1-жадвал.

Нанокластерли кремний намуналарининг асосий электрофизик параметрлари

ρ , Ом·см	Заряд ташувчиларнинг тури ва концентрацияси, $p, n, \text{см}^{-3}$	Ток ташувчиларнинг ҳаракатчанлиги $\mu, \text{см}^2/\text{В}\cdot\text{с}$	E_F , эВ	Зарядланганлик даражаси	Марганец атомларининг зарядланганлик ҳолати
$1,5 \div 2 \cdot 10^2$	$p=1,69 \cdot 10^{14}$	$189 \div 197$	0,297	+7	Mn^{++}
$2,5 \div 3 \cdot 10^2$	$p=1,26 \cdot 10^{14}$	$164 \div 167$	0,303	+7	Mn^{++}
$8 \div 9 \cdot 10^2$	$p=7,98 \cdot 10^{13}$	$86 \div 90$	0,315	+7	Mn^{++}
$7 \div 8 \cdot 10^3$	$p=1,22 \cdot 10^{13}$	$63 \div 64$	0,363	+7	Mn^{++}
$1 \div 1,2 \cdot 10^4$	$p=6,85 \cdot 10^{12}$	$75 \div 78$	0,378	+6	$\text{Mn}^{++} > \text{Mn}^+$
$1,5 \div 2 \cdot 10^4$	$p=3,86 \cdot 10^{12}$	$81 \div 83$	0,393	+5	$\text{Mn}^{++} \sim \text{Mn}^+$
$3 \div 4 \cdot 10^4$	$p=1,59 \cdot 10^{12}$	$93 \div 97$	0,415	+4	$\text{Mn}^{++} \sim \text{Mn}^+$
$1 \div 1,2 \cdot 10^5$	$p=3,28 \cdot 10^{11}$	$158 \div 164$	0,457	+4	$\text{Mn}^{++} \leq \text{Mn}^+$
$1 \div 1,2 \cdot 10^5$	$n=6,76 \cdot 10^{10}$	$958 \div 965$	0,508	+3	$\text{Mn}^{++} < \text{Mn}^+$
$4 \div 5 \cdot 10^4$	$n=1,44 \cdot 10^{11}$	$1198 \div 1210$	0,491	+3	$\text{Mn}^{++} < \text{Mn}^+$
$2 \div 3 \cdot 10^3$	$n=2,08 \cdot 10^{12}$	$1098 \div 1110$	0,416	+3	Mn^+

Худди шу намуналарда фотоўтказувчанлик нисбатан юқори ҳароратларда ($T=200 \div 300$ К) ўрганилганда $E_1=E_V+0,35$ эВ, $E_2=E_V+0,41$ эВ, $E_3=E_V+0,43$ эВ ларга тенг энергетик сатҳлар кузатилди. Бунда акцептор хусусиятга эга $E_{A1}=E_V+(0,15 \div 0,2)$ эВ ва $E_{A2}=E_V+(0,35 \div 0,43)$ эВ га тенг икки гуруҳдаги энергетик сатҳлар аниқланди. Кремнийга марганец атомлари оддий диффузион усул билан легирланганда, бундай акцептор энергетик сатҳлар ҳосил бўлмайди.

Яратилган паст ҳароратли диффузия усули билан олинган намуналарда нанокластерларнинг заряд ҳолати ва кремнийнинг солиштирма қаршилигига мос ҳолда электронлар ва ковакларнинг Холл ҳаракатчанликларини хона ҳароратидаги ўртача қийматлари ҳақидаги маълумот 1-жадвалда келтирилган.

Юқори ҳароратли диффузия усули асосида олинган марганец атомлари билан легирланган нанокластерларсиз намуналарда электронлар ва ковакларнинг ҳаракатчанлиги ҳақидаги маълумот 2-жадвалда берилган.

Кластерларнинг зарядланганлик ҳолати, дастлабки намуналардаги бор (В) атомларининг концентрацияси билан намунанинг Ферми сатҳига мос келувчи зарядга эга (Mn , Mn^+ , Mn^{++}) киришма марганец атомларининг концентрацияси ўртасидаги боғлиқлик асосида аниқланди.

2-жадвал.

Нанокластерсиз кремний намуналарининг асосий электрофизик параметрлари

ρ , Ом·см	Тур	μ , см ² /В·с	E_F , эВ	Марганец атомларини заряд ҳолати
$3 \div 4 \cdot 10^2$	p	345	0,322	Mn^{++}
$5,5 \div 6 \cdot 10^3$	p	268	0,391	$Mn^{++} > Mn^+$
$7 \div 7,5 \cdot 10^4$	p	220	0,451	$Mn^{++} < Mn^+$
$6 \div 7 \cdot 10^3$	n	1220	0,436	$Mn^+ > Mn^{++}, Mn^0$
$6 \div 7 \cdot 10^4$	n	1248	0,496	$Mn^{++} < Mn^+$

Жадваллардан кўришиб турибдики, нанокластерли кремнийдаги заряд ташувчиларининг ҳаракатчанлиги оддий кремнийникидан анча кичик. Бу асосан Ферми сатҳи $E_F=(E_V+0,3 \div E_V+0,41)$ эВ бўлган намуналарда кузатилди. Солиштирма қаршиликлари ўзаро мос келадиган нанокластерли намуналарнинг ҳаракатчанлиги қиймати нанокластерсиз намуналарникига нисбатан 2,5÷3 марта кичиклиги тажриба натижалари асосида аниқланди.

Тадқиқот жараёнида ўрганилаётган намуналарда заряд ташувчиларнинг ҳаракатчанлиги кластерларни заряд ҳолатига кучли боғлиқ бўлиши билан тушунтирилди.


Кластерларнинг зарядланганлик қиймати катта бўлган намуналарда коваклар ҳаракатчанлигининг ҳароратга боғлиқлиги ғайриоддий ва номонотон тавсифга эга бўлиши кузатилди. Олинган тажриба натижаларини тадқиқ этилаётган ҳарорат оралиғида яримўтказгичлардаги мавжуд сочилиш механизмлари билан тушунтириб бўлмайди.

Кўп каррали зарядланган нанокластерлар мавжуд намуналарда ковакларнинг ҳаракатчанлигини ёритилганлик ва электр майдон таъсирида стимулланиш ҳодисаси аниқланди.

Интенсивлиги кичик интеграл ёруғлик билан ёритилган марганец нанокластерларига эга p -турдаги кремнийдаги ковакларнинг ҳаракатчанлигини ҳароратга боғлиқлиги 1-расмда келтирилган.


Ёруғлик $\mu=f(T)$ боғланишининг шаклига амалда кам таъсир этади, бироқ ёруғлик интенсивлиги ошиши билан $T_{мин}$ ва T_{max} ларнинг қийматлари паст ҳарорат томонга силжийди, бундан ташқари T_{max} да коваклар ҳаракатчанлигининг қиймати ёритилмаган вақтдагига қараганда 3÷5 марта катта бўлди, яъни ёруғлик таъсирида коваклар ҳаракатчанлигининг «стимулланиш» эффекти кузатилди. Ҳароратнинг камайиб бориши билан иккинчи минимум $T_{мин2}$ ҳосил бўлди, янада паст ҳароратларда ҳаракатчанликнинг қиймати кўтарила бошлади. Агар ёруғлик интенсивлиги юқори бўлса ($I>50$ люкс), аниқланган эффектлар кескин сусайди ва ҳароратга боғлиқлик хусусиятини йўқотди.

Намуналарда коваклар ҳаракатчанлигининг ўзгариш механизмини тушунтириш мақсадида ҳаракатчанлик қийматига ташқи электр майдон таъсири ўрганилди (2-расм).



1 – қоронғуликда, 2 – $L = 2$ люкс,
3 – $L = 5$ люкс.

1-расм. Қўп зарядли марказларга эга кремнийда коваклар ҳаракатчанлигининг ҳароратга боғлиқлиги, $E=5$ В/см



1 – нанокластерли p -Si, $\rho \sim 10^4$ Ом·см,
2 – нанокластерли p -Si, $\rho \sim 10^3$ Ом·см,
3 – нанокластерсиз p -Si, $\rho \sim 10^3$ Ом·см.

2-расм. Марганец киришма атомли кремний намуналарида заряд ташувчилар ҳаракатчанлигининг электр майдонга боғлиқлиги, $T=100$ К

Солиштирма қаршиликлари ўзаро мос келувчи марганец атомлари нанокластерлари мавжуд бўлмаган намуналарда ҳаракатчанлик ўрганилган

электр майдон оралиғида, электр майдон заряд ташувчиларининг ҳаракатчанлигига деярли таъсир этмади. Бу электр майдон қиймати кичик бўлганда яримўтказгичларда ток ташувчиларнинг ҳаракатчанлиги қўйилган электр майдон катталигига боғлиқ эмас деган илмий маълумотга мос келади.²

Диссертациянинг «Марганецнинг кўп зарядли нанокластерлари мавжуд кремнийда янги турдаги фотоэлектрик ҳодисалар» деб номланган тўртинчи бобида марганец атомларининг нанокластерлари мавжуд кремнийда кузатиладиган янги фотоэлектрик ҳодисаларни ўрганишдаги натижалар келтирилган.

Диссертацияда фотоэлектрик хоссаларни аниқлаш учун махсус криостат билан жиҳозланган ИКС-21 спектрометр қурилмасидан фойдаланилди. Қурилмада электр майдон қийматини ҳамда ИҚ-нурланишнинг қувватини кенг оралиқда бошқариш имконияти мавжуд. Интеграл нур тушишини олдини олиш ва ИҚ нурланиш фотонларининг энергиясини $h\nu \leq E_g$ бўлишини таъминлаш учун криостат дарчаси олдида ва монохроматорни киришига сайқалланган кремний пластинкалари ўрнатилди. Намуналарнинг ўлчами $8 \times 3 \times 0,7$ мм³ ва қўйилган электр майдон кучланганлиги $E=5$ В/см га тенг қилиб танлаб олинди. Тажриба жараёнида намунанинг юзасини тўлиқ ёритилиши таъминланди. ИҚ нурнинг қуввати махсус металл тўрли фильтрлар билан бошқарилди ва унинг қиймати лазер нурларининг қувватини ўлчовчи ИМО-2Н русумдаги асбоб билан аниқланди.

Кўп зарядли марказга эга кремний намуналарининг киришмали фотосезгирлиги спектрал соҳасининг 10 мкм гача ($T > 100$ К) кенгайиши аниқланди. Чуқур сатҳ ҳосил қилувчи киришмалар билан легирланган нанокластерларсиз намуналарда бу ҳодиса кузатилмади.

Тадқиқот натижаларининг таҳлили фотоэлектрик ҳодисалари ўрганилаётган намуналарда қуйидаги ўзига хос жиҳатлар мавжудлигини кўрсатди:

фотожавоб $h\nu=0,12$ эВ ($\lambda=10$ мкм) да бошланди;


тушаётган ИҚ нур фотонларининг энергиясини ошиши билан фототок $h\nu=0,4$ эВ (3 мкм) гача узлуксиз ошиб борди, фотонлар энергиясининг янада ошишида ($h\nu > 0,4$ эВ) квантлар энергиясининг $h\nu=0,4 \div 0,65$ эВ соҳасида фототокнинг қиймати (1,5 ÷ 3 тартибга) сакраш йўли билан ошди. Фототок ўзининг максимал қийматига $h\nu=0,75 \div 0,8$ эВ да эришди. Натижада киришмали фототокнинг жуда катта қийматда ошиши кузатилди, унинг карралиги $10^8 \div 10^9$ ни ташкил этди (3-расм);

марганец атомларининг нанокластерлари мавжуд кремнийда фототокнинг қиймати $h\nu=0,75 \div 0,8$ эВ бўлганда хусусий фотоўтказувчанлик қийматига яқин даражага эришди.

² Старосельский В.И. Физика полупроводниковых приборов микроэлектроники: учеб. пособие. – М.: Высшее образование; Юрайт-Издат, 2009. С. 32.

Шундай қилиб, ўрганилаётган намуналарда киришмали фотоўтказувчанлик ИҚ нурнинг $\lambda=1,5\div 10$ мкм оралиғида жуда катта қийматга ошди, айниқса, $\lambda=1,5\div 1,6$ мкм соҳада фотосезгирликнинг қиймати кремнийни хусусий ўтказувчанлигидан амалда фарқ қилмайди (3-расм).

Тадқиқ этилаётган намуналар ИҚ нурни $h\nu=0,43$ эВ энергияси билан ёритилганда киришмали инфрақизил сўниш ҳодисаси кузатилди. Солиштирма қаршилиқлари $\rho=2\cdot 10^3$ ва $\rho=10^4$ Ом·см бўлган марганец атомларининг нанокластерлари мавжуд p -турдаги кремнийнинг фотоўтказувчанлигини спектрал боғлиқлиги 4-расмда тасвирланган. Расмдан кўришиб турибдики, фотосезгирлик $h\nu=0,12$ эВ дан бошланади ва тушувчи нур энергиясининг ошиши билан фототок $h\nu=0,4$ эВ гача узлуксиз ошиб боради. Фотонлар энергиясини янада ошиши фототокнинг камайишига олиб келди, яъни фотоўтказувчанликни инфрақизил нур таъсирида сўниши (ИҚС) фақатгина киришмали ($h\nu \leq E_g$) ёруғлик таъсирида кузатилди. ИҚС эффеќти ўзининг максимум қийматига $h\nu=0,43$ эВ да эришди.




1 – марганец нанокластерлари мавжуд кремний, 2 – нанокластерсиз кремний.

1 – $\rho \sim 10^4$ Ом·см; 2 – $\rho \sim 2 \cdot 10^3$ Ом·см.

3-расм. Фотоўтказувчанликнинг спектрал боғлиқлиги, $E=5$ В/см, $T=100$ К

4-расм. Марганец нанокластерлари мавжуд кремний фотоўтказувчанлигининг спектрал боғлиқлиги (ИҚС), $E=5$ В/см, $T=100$ К



1 – *p*-тур, 2 – *n*-тур намуна; $h\nu=0,2$ эВ, $E=5$ В/см.


5-расм. Кластерли кремний фототокининг $h\nu \leq E_g$ ИҚ нур энергияси импульси таъсирида ошиши ва камайиши (қолдиқ фотоўтказувчанлик), $T=100$ К.

ИҚ нур энергиясининг $h\nu=0,2 \div 0,4$ эВ соҳасида аномал киришмали қолдиқ ўтказувчанлик аниқланди ҳамда вақт доимийси $\tau \sim 10^3$ с бўлган қолдиқ фотоўтказувчанликни узоқ вақт давом этувчи релаксацияси кузатилди.

Марганец атомлари билан легирланган *n*-турдаги кремнийда фотоўтказувчанлигининг релаксацияси 5-расмда (2-эгри чизиқ) тасвирланган. Бу ҳолатда марганец атомларининг кластерлари ҳосил бўлмасдан, киришма марганец атомлари алоҳида «атом» ҳолатлари Mn^0 , Mn^+ , Mn^{++} да бўлади. Ўрганиш натижалари шуни кўрсатдики, бундай намуналарда $h\nu=0,16 \div 0,4$ эВ соҳада фотосезгирлик кузатилмайди.


Таржибалар импульс кўринишида модуляцияланган $h\nu=0,5 \div 1,1$ эВ энергияли ИҚ-нур билан ёритилиб амалга оширилди. Расмдан кўриниб турибдики, бундай ҳолатда фотоўтказувчанликнинг релаксация вақти қисқа вақтда рўй берди. Олинган натижалар таҳлили асосида фотосезгирликнинг фотонлар энергияси $h\nu=0,12$ эВ қийматидан бошланиши ва фотоўтказувчанликнинг релаксациясини узоқ вақт давом этиши марганец атомларининг кўп қаррали зарядланган нанокластерлари билан боғлиқ деб хулоса қилиш имконини беради.

Тажриба натижалари асосида ток ташувчи ковакларнинг яшаш вақтининг қийматини ҳароратга ($T=77 \div 300$ К) боғлиқлиги аниқланди (6-расм).



$E=5$ В/см, $h\nu=0,73$ эВ.

6-расм. Кўп қаррали зарядланган марказлар мавжуд кремнийда заряд ташувчиларнинг яшаш вақтининг ҳароратга боғлиқлиги



1 – $h\nu=0,33$ эВ, 2 – $h\nu=0,55$ эВ, 3 – $h\nu=0,73$ эВ;
 $T=100$ К, $E=5$ В/см.

7-расм. Марганец атомларининг нанокластерлари мавжуд кремний намуналарининг ватт-ампер тавсифи

7-расмда нанокластерли намуналарга фотонларнинг турли энергиялари 0,33, 0,55, 0,73 эВ таъсиридаги ватт-ампер тавсифининг кўриниши тасвирланган. Расмдан кўриниб турибдики, энергияси $h\nu=0,33$ эВ бўлган кичик қувватли ИҚ нурланиш таъсирида фототок жуда секин ошиб боради, яъни $I_{\phi}(P)=6 \cdot 10^{-8} \cdot P^{0,0124}$ қонуниятга бўйсунувчи субчизикли тавсифга эга бўлади. Нурланишнинг қуввати $P=10^{-6}$ Вт бўлгандан бошлаб, фототокнинг қиймати кескин ошиб, супер чизикли $I_{\phi}(P)=3 \cdot 10^6 \cdot P^{4,13}$ қонуният асосида ўзгаради. Нурланишнинг қуввати $P=1,3 \cdot 10^{-5}$ Вт га етиши билан ватт-ампер тавсиф чизикли ўзгара бошлайди. Тушаётган фотонларнинг энергияси ошиши билан ($h\nu=0,55$ ва $0,73$ эВ) фототокнинг кескин ошиши (суперчизикли қисм) бошланадиган нурланиш қувватининг қиймати чегараси камроқ энергияли нурланиш томонга силжийди ва фототокнинг ўсиши тик бўлади (2- ва 3- эгри чизиклар).


Олинган натижаларнинг таҳлили асосида кўп каррали зарядланган нанокластерлар мавжуд кремнийнинг энергетик соҳа тузилишининг модели таклиф этилди. Тажрибаларда кузатилган электрофизик ва фотоэлектрик ҳодисаларнинг физик моҳиятини таклиф этилган модел асосида яхши тушунтириш мумкин бўлди.

Диссертациянинг «**Кўп каррали зарядланган нанокластерлари мавжуд кремний асосида асбоблар ишлаб чиқиш**» деб номланган бешинчи бобида бошқа материаллар ёрдамида яратиб бўлмайдиган янги турдаги асбобларни ишлаб чиқишда кўп каррали зарядланган нанокластерлар мавжуд кремнийдан электроника саноатида фойдаланиш имкониятлари очиб берилган.

Кўп каррали зарядланган марказлари бор кремнийда аниқланган физик ҳодисалар асосида янги функционал имкониятларга эга бўлган ИҚ нурланишнинг кенг спектри ($\lambda=1,55 \div 10$ мкм) соҳасида ишлайдиган фотоқабулқилгичларни яратиш мумкинлиги кўрсатиб берилган бўлиб, бунга кремнийни чуқур энергетик сатҳ ҳосил қилувчи киришма атомлар билан оддий легирлаш орқали эришиб бўлмайди.

Турли хил ҳароратларда нанокластерли намуналарнинг фотоўтказувчанлигининг спектрга боғлиқлигини ўрганишда, ҳароратнинг $T=77 \div 200$ К оралиғида фотосезгирликнинг спектрал соҳасини кескин ўзгариб кетмаслиги аниқланди. Юқори ҳароратлар ($T > 200$ К) да эса, ўрганилаётган намуналарнинг фотосезгирлигининг камайиши ва спектрал соҳасининг торайиши кузатилди. Бу тажриба натижалари электроника саноатида амалий қўлланилишда катта аҳамиятга эга (8-расм).

Кўп каррали зарядланган нанокластерлар мавжуд кремний асосида $h\nu=0,12 \div 0,8$ эВ энергияли фотонларни қайд эта оладиган, яъни $\lambda=1,5 \div 10$ мкм соҳада ишлайдиган $S=0,5$ см² юзали фотоқабулқилгичнинг лаборатория намуналари тайёрланди.



$T=100$ К, $E=5$ В/см.

8-расм. Марганец атомларининг кўп каррали зарядга эга нанокластерлари мавжуд кремний фотоўтказувчанлигининг спектрга боғлиқлиги.

Тажрибалар асосида олинган натижалар таркибида кўп каррали зарядланган кластерлар мавжуд кремний намуналари асосида ИҚ нурланишнинг тўлқин узунлигини 10 мкм гача сезадиган фотоқабулқилгичларни яратиш имконияти мавжудлиги кўрсатиб берилди. Бундай фотоқабулқилгичлар ток ташувчи ковакларнинг яшаш вақти жуда катта бўлганлиги учун юқори сезувчанликка эга бўлади.

Кўп каррали зарядга эга кластерлар мавжуд кремнийнинг интенсивлиги турли хил бўлган «хусусий» ташқи интеграл нурланиш таъсирида ҳам $h\nu=0,4 - 0,8$ эВ соҳада ИҚ нурланишни сеза оладиган фотоқабулқилгич сифатида ишлаши мумкинлиги кўрсатиб берилди.

Диссертация ишимни бажаришда кўрсатилган ҳар тарафлама ёрдам учун илмий раҳбаримга ва ТДТУ «Рақамли электроника ва микроэлектроника» кафедраси барча жамоасига раҳмат айтаман.

ХУЛОСА

1. Паст ҳароратли икки босқичли диффузия усулидан фойдаланиб кўп каррали зарядга эга нанокластерлар мавжуд кремний намуналари олинди ва уларнинг мавжудлиги ЭПР қурилмасида ўрганилиб тасдиқланди.

2. Кўп каррали зарядга эга нанокластерлари мавжуд кремнийда ковакларнинг ҳаракатчанлиги оддий кремнийникидан $2.5 \div 3$ марта кичиклиги аниқланди ва унинг ҳароратга боғлиқлиги монотон бўлмаган тавсифга эга бўлиб, қиймати ёруғлик интенсивлигига кучли боғлиқлиги аниқланди.

3. Тадқиқот натижасида электр майдон қийматининг ўзгариши билан ўрганилаётган намуналарнинг фотосезгирлигини $I \sim U^{l+1}$ қонуният бўйича ўзгариши аниқланди, бу ерда ҳарорат ошиши билан даражанинг қиймати $2 \div 3$ оралиқда камайиб борди.

4. Киришмали фотоўтказувчанлик қиймати $0,75 \div 1,12$ эВ спектр оралиғида хусусий фотоўтказувчанлик қийматига яқинлиги аниқланди, бу кремнийнинг тақиқланган соҳаси валент соҳасига яқинида энергетик кенглик (полоса, подзона) ҳосил бўлиши билан тушунтирилди.

5. «Хусусий» интеграл ёруғлик билан нурлантирилмаганда ҳам фотоўтказувчанликнинг камайиш ҳодисаси аниқланди ва камайишнинг максимал чуқурлиги ИҚ нурланиш спектрининг $0,43$ эВ энергиясида кузатилди.

6. Кўп каррали зарядга эга марганец атомларининг кластерлари кучли электр майдон таъсирида ковакларнинг ютиб олиниши туфайли электронлардан фазовий ажралиши билан боғлиқ киришмали сезувчанлик эффекти аниқланди.

7. Аниқланган электрофизик ва фотоэлектрик ҳодисалар таҳлили асосида кўп каррали зарядга эга нанокластерлар мавжуд кремнийнинг энергетик соҳа тузилиш модели ишлаб чиқилди. Ишлаб чиқилган физик модел асосида тажриба натижаларининг физик моҳияти тушунтириб берилди.

8. Инфрақизил нурланишнинг $3 \div 10$ мкм тўлқин узунлиги соҳасида ишловчи сезгир фотоқабулқилгичларни яратиш имконияти кўрсатилди. Материалда кўп каррали зарядга эга марказларнинг мавжудлиги ток ташувчи зарядларнинг узоқ муддат сақланишига шароит яратиб, бу ўз навбатида «фотонлар санагичи» каби асбобларни яратиш имкониятларини очиб берди.

**НАУЧНЫЙ СОВЕТ DSc.28.02.2018.FM/T.03.05 ПО
ПРИСУЖДЕНИЮ УЧЕНЫХ СТЕПЕНЕЙ ПРИ ТАШКЕНТСКОМ
ГОСУДАРСТВЕННОМ ТЕХНИЧЕСКОМ УНИВЕРСИТЕТЕ,
НАЦИОНАЛЬНОМ УНИВЕРСИТЕТЕ УЗБЕКИСТАНА**

**ТАШКЕНТСКИЙ ГОСУДАРСТВЕННЫЙ ТЕХНИЧЕСКИЙ
УНИВЕРСИТЕТ**

ИСАМОВ СОБИРЖОН БОЛТАЕВИЧ

**ОСОБЕННОСТИ ФОТОЭЛЕКТРИЧЕСКИХ ЯВЛЕНИЙ
В КРЕМНИИ С МНОГОЗАРЯДНЫМИ НАНОКЛАСТЕРАМИ**

01.04.10 – Физика полупроводников

**АВТОРЕФЕРАТ ДИССЕРТАЦИИ ДОКТОРА ФИЛОСОФИИ (PhD)
ПО ФИЗИКО-МАТЕМАТИЧЕСКИМ НАУКАМ**

ТАШКЕНТ–2018

Тема диссертации доктора философии (PhD) по физико-математическим наукам зарегистрирована в Высшей аттестационной комиссии при Кабинете Министров Республики Узбекистан за № В2017.2.PhD/FM81.

Диссертация выполнена в Ташкентском государственном техническом университете имени Ислама Каримова.

Автореферат диссертации на трех языках (узбекском, русском, английском (резюме)) размещен на веб-странице Научного совета (tdtu.uz) и на Информационно-образовательном портале «ZiyoNet» (www.ziyo.net.uz).

Научный руководитель: **Бахадирханов Мухамед Кабир**
доктор физико-математических наук, профессор, академик

Официальные оппоненты: **Расулов Рустам Явкочович**
доктор физико-математических наук, профессор

Арипов Хайрулла Кабулович
доктор физико-математических наук, профессор

Ведущая организация: **НПО «Физика-Солнца» ФТИ АН РУз**

Защита диссертации состоится «__» _____ 2018 года в ____ часов на заседании Научного совета DSc.28.02.2018.FM./T.03.05 при Ташкентском государственном техническом университете, Национальном университете Узбекистана. (Адрес: 100095, г. Ташкент, ул. Университетская, дом 2. Здание факультета «Электроника и автоматика» ТГТУ, аудитория № 232. Тел. (+99871) 246-46-00, факс (+99871) 227-10-32, e-mail: tstu_info@edu.uz).

С диссертацией можно ознакомиться в Информационно-ресурсном центре Ташкентского государственного технического университета (зарегистрирована за № ____). Адрес: 100095, г. Ташкент, ул. Университетская, дом 2. Тел. (+99871) 246-03-41.

Автореферат диссертации разослан «__» _____ 2018 года.
(реестр протокола рассылки № ____ от «__» _____ 2018 г.).

А.Т. Мамадалимов
зам. председателя Научного совета по присуждению ученых степеней, д.ф.-м.н., профессор, академик

Б.Э. Эгамбердиев
ученый секретарь Научного совета по присуждению ученых степеней, д.ф.-м.н., профессор

Н.Ф. Зикриллаев
председатель научного семинара при Научном совете по присуждению ученых степеней, д.ф.-м.н., профессор

ВВЕДЕНИЕ (аннотация диссертации доктора философии (PhD))

Актуальность и востребованность темы диссертации. В настоящее время, в мире активно развивается физика полупроводников, где пристальное внимание уделяется получению нового типа материала на основе кремния, путем создания в его кристаллической решетке наноразмерных кластеров изменяющих его фундаментальные свойства. В этом аспекте важными задачами являются формирование многократно заряженных нанокластеров в кристаллической матрице кремния и открытие его перспективных функциональных возможностей, а также применение этого материала в микроэлектронике, материаловедении и других областях.

В мире на сегодняшний день уделяется большое внимание формированию нанокластеров в решетке кремния кратность заряда которых больше трех, приводящее к существенному изменению его фотоэлектрических и фундаментальных свойств. При этом одной из важных задач является проведение целевых научных исследований по следующим направлениям: формирование многократно заряженных кластеров в кристаллической решетке кремния; определение влияния многократно заряженных нанокластеров на перенос заряда в кремнии; изменение фотоэлектрических и фундаментальных свойств кремния путем формирования в нем многократно заряженных нанокластеров атомов марганца; демонстрация возможности создания нового типа полупроводниковых приборов на основе кремния с многократно заряженными нанокластерами.

В соответствии со Стратегией действий по дальнейшему развитию Республики Узбекистан, особое внимание уделяется вопросам стимулирования научно-исследовательской и инновационной деятельности, создания эффективных механизмов внедрения научных и инновационных достижений в практику¹. Особо следует отметить, что данная деятельность осуществляется в рамках объявленного Года поддержки активного предпринимательства, инновационных идей и технологий, нацеленного на получение научных результатов, отвечающих современным требованиям научного развития. В этом плане особое внимание уделяется вопросам формирования нанокластеров в кристаллической решетке кремния и развитию технологии получения новых материалов. В этом аспекте актуальной задачей является открытие новых функциональных возможностей кремния с нанокластерами и создание на их основе нового типа фотоприемников и полупроводниковых приборов типа «счетчик фотонов».

Данное диссертационное исследование в определенной степени служит выполнению задач, предусмотренных в Указе Президента Республики Узбекистан № УП-4947 «О Стратегии действий по

¹ Указ Президента Республики Узбекистан. О стратегии действий по дальнейшему развитию Республики Узбекистан /Официальное издание/ Министерство юстиции Республики Узбекистан. – Ташкент: «Адолат», 2017. С. 63.

дальнейшему развитию Республики Узбекистан на 2017–2021 гг.» от 7 февраля 2017 года, в Постановлениях Президента № ПП-2772 «О мерах по дальнейшему совершенствованию управления, ускоренному развитию и диверсификации электротехнической промышленности на 2017–2021 гг.» от 13 февраля 2017 года, № ПП-2789 «О мерах по дальнейшему совершенствованию деятельности Академии наук, организации, управления и финансирования научно-исследовательской деятельности» от 17 февраля 2017 года, а также в других нормативно-правовых документах, принятых в данной сфере.

Соответствие исследования приоритетным направлениям развития науки и технологий республики. Диссертационная работа выполнена в соответствии с приоритетным направлением развития науки и технологий Республики Узбекистан: III. «Энергетика, энергоресурсосбережение, транспорт, машино- и приборостроение; развитие современной электроники, микроэлектроники, фотоники, электронного приборостроения».

Степень изученности проблемы. Выдающиеся ученые такие как: создатель полупроводниковых гетероструктур Ж.И.Алфёров (Россия), создатели синих светодиодов Исаму Акасаки (Япония), Хироси Аmano (Япония) и Сюдзи Накамуре (США) награждены Нобелевскими премиями. Управление фотоэлектрическими свойствами полупроводников осуществляется, в основном, введением различных примесных атомов в решетку полупроводника. Эта технология хорошо теоретически и экспериментально изучена выдающимися учеными – С.М.Рывкином, А.Роузом, Р.Бьюпом, С.Г.Калашниковым. Теория фотопроводимости не только объяснила механизм и кинетику фотопроводимости, но и позволила открыть ряд новых фотоэлектрических явлений, таких как отрицательная фотопроводимость, остаточная фотопроводимость, долговременная релаксация фотопроводимости, эффект очувствления, инфракрасное и температурное гашение фотопроводимости, суперлинейность ЛАХ и т.д.

